99

ДАЪВАТ

Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик.

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ ИЧИДА

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 88 КУН ҚОЛДИ!

✓ **1991 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ.** Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари VII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

✓ **1992 ЙИЛ 2 ИЮЛЬ.** «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

✓ **1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

✓ **1992 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ.** Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тасдиқланди.



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 4 июнь жума

Сотувда эркин нархда

№ 110 (2148)



ЭҲТИРОМ

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНАДИ

Ҳурматли Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!

Сизнинг ғоянгиз ва бевосита ташаббусингиз асосида республика Фанлар академияси Тарих институти қошида ташкил этилган йирик тарихчи-археолог олим, академик Яҳё Ғуломов номидаги республика илмий семинари иштирокчилари қадимий ва доимо навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган 5-йиғилишида давлатчилигимиз тарихининг энг долзарб масаласи — «Моддий-маданий ёдгорликларининг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни» мавзусини ҳар томонлама кенг ва атрофлича муҳокама қилиб, Сизнинг эътиборингизга қуйидагиларни етказишни ўз бурчи ва фахри деб биладилар.

Республикамиз тарихчи олимлари томонидан Сиз илгари сурган, давлатчилигимиз тарихи 2700 йиллик тарихга эга, деган фикрингиз илмий семинар давомида билдирилган хулосаларда нафақат исботланди, балки ўзбек давлатчилиги ундан ҳам қадимий эканлиги топилган археологик манбалар асосида қайд этилди. Ушбу йўналишда семинар фаолияти қуйидаги уч вазифани амалга оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз:

биринчидан, республикамиз тарихчи олимлари илмий салоҳиятини ўзбек давлатчилиги тарихини тарихий ҳақиқат мезони нуқтаи назаридан ўрганишга жалб қилиш ва унинг йўналишларини белгилаб бериш;

иккинчидан, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини яратиш мақсадида республикамизнинг барча тарихчи олимларининг илмий кучи ва билимини бирлаштириш ва жипслаштириш;

учинчидан, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш йўлида доимий равишда дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи ягона методологик ва мафкуравий заминни яратиш.

Илмий семинар иштирокчилари тарихчи-мутахассисларнинг ёш авлодини тарбиялаш ва шакллантиришда тарих фани ривожида ўзининг катта хизмати, тўғри сўзлиги ва Ватанимиз тарихига садоқатлилиги билан ўчмас из қолдирган академик Яҳё Ғуломовнинг ёркин сиймосига таъзим лозим, деб ҳисоблайди.

Биз, республика илмий семинари қатнашчилари, Сиз томонингиздан тарих фанига бўлган катта эътиборингиз ва ғамхўрлигингизни чуқур ҳис қилган ҳолда, тарих фанини янада ривожлантириш, ўзбек халқининг янги холисона тарихини яратиш ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган юксак ўрнини кўрсатиш борасида билим ва салоҳиятимизни аямаймиз, деб Сизни ишонтирамиз.

Биз XXI асрда — учинчи минг йилликда Ўзбекистонни буюк давлат даражасига кўтаришдаги Сизнинг улкан фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Сизга катта ҳурмат ва эҳтиром ила,

Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари иштирокчилари.

Самарқанд шаҳри, 1999 йил 2 июнь.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

«Бу дунё — бедарвозамас», дейди халқимиз. Ушбу ҳикматнинг маъноси шуки, одамлар жамоа ва жамиятларга бирлашиб яшар экан, уларнинг ўзаро муомала ва муносабатларини оқилона тартибга солувчи қонун-қоидалар ҳам ҳаётда бўлади. Қонун-ҳуқуқ меъёрлари бўлмаса, ҳаёт издан чиқади, бошбошдоқлик ва ўзбошимчаликка, жиноятчиликнинг хилма-хил кўринишларига йўл очилади. Шунинг учун ҳам одамзот бор экан, қонунчилик ва унга эҳтиром ҳам мавжуддир.

Афсуски, ўтган деярли бир ярим аср мобайнида халқимизнинг неча-неча авлодлари ҳуқуқсизликда яшади. Тўғри, чор ва қизил салтанатнинг ҳам ўз «қонунлари» бор эди. Аммо улар бошқа халқларнинг ҳуқуқсизликларини қонунлаштирган меъёрлар эди.

Истиқлол туфайли мустақил республикамизнинг ўз Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Президентимиз инсонпарварлик қонунларига асосланган ҳуқуқий давлат, адолатли, эркин фуқаролик жамияти ва бозор қонунларига асосланган янги иқтисодиёт — тараққиёт йўлимиз эканлигини белгилаб бердилар. Бундай ғояларни халқимиз жону дили билан қабул қилиб, янги ҳаёт қурилишига енг шимариб киришди.

Улуғвор мақсадларга эришиш йўлидаги ўтиш давринг Юртбошимиз асослаб берган ҳаётбахш беш тамойилидан бирини ҳам **давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлиги** ҳақидаги қоида ташкил этади. Аслини айтганда, қонун устуворлиги бундан кейинги тараққиётимизнинг ҳам барқарор стратегик йўли ва асл моҳияти бўлиб қолаверади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳуқуқий давлатни барпо этиш вазифаси — мураккаб жараён. Бунинг учун, аввало, янги давлат ва жамиятнинг мукаммал қонунлари мажмуасини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Мамлакатимиз Парламенти Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида янги ҳаёт қурилишининг ҳуқуқий негизларини яратиш борасида улкан ишларни амалга оширди ва бу иш ҳозирги кунда ҳам изчил давом этмоқда.

Шу билан бирга, қонунлар ва қарорларни дунёга келтириш, Йўлбошчимиз Олий Мажлисининг XI сессиясида айтганларидай, ишимизнинг эллик фоизи холос. Қолгани уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши билан адо этилади. Бу борада эса мамлакат олдида улкан муаммолар турибди. Энг муҳим муаммо — мавжуд қонунчилик ҳужжатларини ҳаётга изчил татбиқ этилишининг амалий механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Яна бир масала — мамлакатимиз аҳолисининг қонунлар асосида яшашга ўрганишини таъминлашдир. Бу икки масаланинг амалга оширилиши кўп нарсани ҳал этади.

Афсуски, ана шу муаммолар ечими машаққатлар билан кечмоқда. Айрим юртдошларимиз онгидан эски тузумдан қолган асоратлар ҳамон кетмаяпти. Раҳбарликни тўрачилик деб тушуниш, шахсий манфаатни давлат ва халқ манфаатларидан устун қўйиш, боқимандалик иллатлари — янги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши йўлидаги тўғаноқлар бўлиб қолмоқда.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, Йўлбошчимиз адолат, қонунчилик масалаларини мустаҳкамлашга давлат ва жамият эътиборини узлуксиз қаратиб келяптилар ва бу йўлда қатъий турибдилар.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги тарихий маърузасида ҳам Президентимиз давлат ва жамият тараққиётининг қонуний негизларини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий онгини такомиллаштириш масалаларини амалий асосларга қўйиш муаммолари янги минг йиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида ҳам долзарб вазифалардан бўлиб қолишини алоҳида таъкидладилар.

Ислоҳотлар, ўзгаришлар қанчалик машаққат билан кечмасин, Ўзбекистонда янги ҳаёт қурилиши муқаррар равишда олдинга қараб илдамламоқда. Янги аср бўсағасида, унинг дастлабки йилларида давлат ва унинг ривожини навбатдаги янги босқичга кўтариш, яъни **жамият ҳаётини ҳар тарафлама эркинлаштириш** Президентимиз маърузасида стратегик вазифа қилиб белгиланган. Худди шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, аввало, давлат бошқаруви, унинг ҳуқуқий амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим масалаларнинг оқилона ечимлари таклиф қилинади. Жумладан, янги минг йилликда суд-ҳуқуқ соҳасига алоқадор ислоҳотлар янада чуқурлаштирилади. Шу пайтгача деярли эътиборсиз бир аҳволда бўлган адвокатура тизимининг фаолиятига куч-қудрат бағишланади. Адвокатуранинг ваколати ва мақоми прокуратура мақомига тенглаштирилади. Бу жуда муҳим ва қувонарли янгиликдир. Халқ бу янгиликни мамнуният билан қарши олди.


Иккинчидан, янги босқичда ҳукм чиқарувчи судяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилади. Бундан кейин судни фақат жазоловчи орган деб биладиган одамларнинг дунёқараши ўзгариб, улар судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида қарайдиган бўладилар.

Яна бир муҳим масала. Президентимиз маърузасида инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш вазифаси ҳам қўйилган. Шунингдек, давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида қонун қабул қилиш зарурлиги ҳам айтилган.

«Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман, — деди Президентимиз, — **халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса, чидай олмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака, одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади».**

Бу ўгитларни виждонан тушуниб, ҳар кунги яшаш ва ишлаш тарзимизнинг бош қоидасига айлантирайлик.

М. САФАРОВ.



ЕР МАЛҲАМИ

Тўрақўрғон туманида «ер малҳами» — биоўғит ишлаб чиқарадиган завод қурилиб, ишга туширилди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бундай биозавод дунёда саноқли мамлакатлардагина бор, холос. Заводда тайёрланаётган янги ўғитнинг муаллифларидан бири Истиқболли тадқиқотлар ва инновация институти директори, профессор Бадриддин Рихсиевдир. У айни вақтда корхонанинг илмий раҳбари сифатида иш олиб бормоқда.

Завод ҳар йили 250-300 тонна биоазот ишлаб чиқаради. Олимларнинг таъкидлашича, бу малҳамнинг бир килограмми 150 килограмм селитра қувватини беради. Шунинг учун ҳам айни вақтда завод маҳсулотларига харидор кўп.

СУРАТЛАРДА: заводнинг ички кўриниши; бобо деҳқонлар учун тайёр ер малҳами; оператор Маҳмуджон Аҳмаджонов; профессор Бадриддин Рихсиев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ШОИР ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида А.С.Пушкин таваллудининг 200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси Ҳ.Кароматов олиб борди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, республика байналмилал миллий-маданий маркази ва ижодий уюшмаларнинг шоир таваллуд кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Айни кунларда мамлакатимизда А.С.Пушкин таваллудининг 200 йиллигига бағишланган тадбирлар бошлаб юборилган. Кутубхоналар ва маданият уйларида пушкинхонлик кечалари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Академия тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва адабиёт институтларида А.С.Пушкиннинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси шоир асарлар тўпламини босмадан чиқарди. Алишер Навоий номидаги академик театрда шу санага бағишланган фестиваль ўтказиляпти.

Йиғилишда А.С.Пушкин таваллудининг 200 йиллигига бағишланган тадбирларни қизиқарли ва сермазмун ўтказиш юзасидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди.

(ЎзА)

Муносабат

ШОДА ИЧРА БИТТА МАРЖОН

Инсон ҳеч қачон ўз тарихи, кечмиш ҳаётидан воз кечиб яшай олмайди. Аммо ҳаётда тарихий ҳақиқатларнинг тўла қарор топиши, содда қилиб айтганда, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ осон кечадиган жараён эмас. Бунинг учун, аввало, юрт мустақил бўлиши, халқнинг бошида фидойи Шахс туриши керак экан.

Бу фикрни мустақилликдан сўнг ўтган давр тўла тасдиқлайди.

Чунки юртимизда айнан мустақилликдан сўнг тарихий ҳақиқатлар бутун салобати ва улуғворлиги билан қарор топиб кела бошлади. Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг икки ярим минг йиллик тўйи, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди сингари юзлаб улуғ аждодларимизга кўрсатилган юксак эътибор аслида тарихий ҳақиқатларнинг қарор топганини англатади.

Президентимизнинг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ўзининг моҳият-эътибори билан яна бир тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришга қаратилгани жиҳатидан юксак аҳамиятга эга.

Шу боис ушбу Фармон навоийликлар кўнглини тўлқинлантириб юборди. Улардан келаётган юзлаб хат ва шошилинчномалар ҳам шундан дарак беради.

Шулардан айримларини эътиборингизга хавола этяпмиз.

Президентимизнинг Фармонлари Кармана шаҳри ҳаётида янги саҳифани очди. Кармана қадимдан илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда савдосотиқ равнақ топган манзиллардан бири бўлган. У — Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо каби улуғ зотларнинг назари тушган қутлуғ шаҳар. Аммо шўро замонида шу тарихий ҳақиқат хаспўшланди, Кармана деган ном йўқ бўлиб кетишига ҳам сал қолган эди. Президентимизнинг Фармонлари шу тарихий ҳақиқатни тўла қайта тиклашга қаратилган.

Х. УМАРОВ,
Зарафшон шаҳри ҳокими.

* * *

Тарихни ўрганиш, аввало, ўз уйинг, киндик қонинг тўкилган тупроқдан бошланади. Президентимизнинг Фармонлари моҳият-эътибори билан Кармана шаҳрининг қадимий шуҳратини тиклаш, тарихий қиёфасини шакллантириш, осори-атиқаларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказишга қаратилгани билан биз, ёшларни чексиз қувонтирди. Шунингдек, бу тарихий ҳужжат бизни Кармана шаҳри тарихини пухта ўрганиш, унга бўлган меҳру муҳаббатимизни янада оширишга хизмат қилади.

Фарҳодбек УМАРОВ,
Навоий давлат кончилик олийгоҳи талабалари номидан.

* * *

Кармана шаҳри кеча ҳам бор эди. Аммо унга бўлган муносабат... Ахир, мустабид тузум даврида Кармана деган номни ўчириб ташлашга бўлган уринишларни бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Биз бундай ғайриинсоний сиёсат остида халқнинг ўтмишидан жудо қилишдек ғаразли мақсад ётганини бугун тўла англаб турибмиз.

Президентимизга минг раҳмат! Фақат шу кишининг улкан саъй-ҳаракатлари билан Кармананинг қадимий тарихини тиклаш, уни чуқур ўқиб-ўрганишга кенг йўл очилди. Бу, табиийки, шу юртни ўзига Ватан деб билган ҳар бир кишини чексиз қувонтиради.

Н. ЛАТИПОВ.
Кармана тумани.

* * *

Биз, Навоий туманининг бир гуруҳ халқ таълими ходимлари ҳамда ўқитувчилари Юртбошимизнинг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, ушбу мактубни йўлламоқдамиз.

Юртбошимизнинг аждодларимиз мероси ва Ватанимиз тарихини мукаммал ўрганиш, маънавиятимизни, маданиятимизни ва миллий қадриятларимизни тиклаш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлари моҳиятини ўқувчиларга чексиз фахр ва ифтихор билан сўзлаб бермоқдамиз ҳамда ёшлар онгига янада теранроқ сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ушбу Фармонни қадим тарихимизни тиклаш йўлидаги яна бир ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, деб биламиз.

(Давоми 2-бетда).


ЖАСУР ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Шарқ якка кураши бўлган каратэнинг турлари кўп. Чунончи, киокушин-кайкан каратэ мамлакатимиз спорт оламига кириб келганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, у тез ривожланиб бораяпти. Спортнинг ушбу тури дунёдаги 128 та давлатда ташкил этилган, унинг маркази Японияда. Ҳозирги кунда мактабнинг Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятларида филиаллари бўлиб, уларда киокушин-кайкан каратэ билан шуғулланувчи 1 минг 600 нафардан ошиқ спортчи бор. Вакилларимиз 1992 йилдан буён Оврупо, Осиё биринчиликлари, турли халқаро мусобақаларда фаол қатнашиб келяпптилар. Мана энди илк марта жаҳон чемпионатига гал келди. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун бир нафар якка курашчи таклиф этилди. Бу — яшил белбоғ, малла чизиқ соҳиби, навоийлик Жасур Сафаров. У шу йил декабрь ойида Японияда ўтадиган чемпионатда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

П. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЧОЙХОНА ПАЛОВГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Ундай бўлса, Қўқон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғига келаверинг. Халқимизнинг мумтоз шоири — Мукимий номи билан аталадиган мазкур оромгоҳ азиз меҳмонларга ҳамиша мунтазир. Айни пайтда бу ерда катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Боғ марказида жойлашган кўҳна меъморий ёдгорлик — Ўрда қалъаси янгидан чирой очади. Уни асл ҳолига келтириш, безак ва нақшинкорлик усулларига қайта сайқал бериш учун тажрибали усталар жалб қилинган.



7,5 гектарлик оромгоҳ ҳудудида миллий чойхона, ошхона, концерт майдончаси барпо этиш мўлжалланмоқда. Унинг икки томонида шарқона дарвозалар қурилади, фаввора ва гулзорлар яратилади. Қўқонликлар Мустақиллик байрамини таъмирланган кўркам боғда кутиб олишмоқчи. Ва ўша куни, албатта, фарғонача чойхона палов дамланиши турган гап.

Т. НОСИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУД ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни давом этмоқда.

Суд мажлисининг иккинчи куни прокурорлар айблов хулосасини ўқиб эшиттиришни тугаллаганларидан сўнг жиноий иш юзасидан суд тергови бошланди.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА)

Муносабат

ШОДА ИЧРА БИТТА МАРЖОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлади, тарихан қисқа давр ичида ёш мустақил давлатнинг пойдевори бунёд этилди, у халқаро майдонда танилиб, ўз нуфузига эга бўлди.

Муҳаббат ҚАҲҲОРОВА, Дилбар ТЎРАЕВА, Шаҳодат ҲАМИДОВА, Навоий тумани ўқитувчилари.

* * *

Президентимизнинг Фармони Қизилтепа тумани аҳлини ҳам чексиз хушнуд этди. Кармана, унинг бой тарихи билан биз ҳам фахрланамиз.

Яна бир қувончли томони шундаки, Президентимизнинг Фармонидан сўнг Кармана замонавий шаҳар тусини олади. Илм-фан, маданият ва коммуникация тармоқлари гуркураб ривожланади. Бу қулайликлардан, табиийки, бизнинг фарзандларимиз тўла баҳраманд бўлишади. Шунинг ўзи кишига қувонч бағишлайди.

Раҳим МАҚСУДОВ. Қизилтепа тумани.

* * *

Кармана қадимда Буюк Ипак йўлини боғлаб турган муҳим марказлардан бири саналган. Шунинг учун Карманада савдо-сотиқ, илм-маърифат юксак ривож топган. Аммо ҳаётда шундай даврлар бўлар эканки, тарихий ҳақиқатлар юзига атай қора парда тортилар экан. Кармана ҳам шундай қора кунларни ўз бошидан кечирди.

Президентимиз Фармонлари Қарманинг кўп минг йиллик тарихига қайта жон бағишлади.

Ф. ЙЎЛДОШЕВ, Навоий туманидаги касб-ҳунар лицейи директори.

* * *

Мустақиллик — аслида, мўъжиза экан. Бугун ўтган саккиз йил ичида амалга оширилган ишларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Ўзбекистон ташлаётган ҳар бир қадам эзгу ва савоб мақсадларга қаратилгани билан кишини беҳад қувонтиради.

Президентимизнинг 27 май куни эълон қилинган Фармонлари биз, карманаликларга ўз тарихимизга юксак эътибор билан қараш, уни чуқур ўрганиш имконини яратади. Шунингдек, ушбу Фармон бизнинг келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

С. ЭШМУРОДОВ. Кармана туманидаги К. Раҳимов номли жамоа хўжалиги

* * *

Фақат юксак тафаккурли, оловқалб Шахс ҳаётда кескин ўзгаришлар ясайди, халқни эзгу ва қутлуғ мақсадлар сари дадил бошлайди. Фикримизнинг исботи тариқасида юртимизда мустақилликдан сўнг амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар, бу қутлуғ жараённинг бошида Юртбошимиз турганлигини қайд этиб ўтиш ўринли.

Президентимизнинг 27 майдаги Фармонларини биз, карманаликлар катта қувонч билан қарши олдик. Чунки Кармана тарихининг қайта тикланиши бизнинг дилимиздаги азалий орзу эди. Ахир, Кармана шаҳрига кўрсатилган юксак эътибор, аслида, бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор-ку! Шундан кўнглимиз чексиз фахру ғурурга тўлди.

Кармана шаҳридаги 5-ўрта мактаб жамоаси.

* * *

Бугун Юртбошимизнинг назарлари Кармана шаҳрига тушган экан, бу табиийки, бизни чексиз қувонтиради. Чунки улуғ инсонларнинг назари тушган жой ҳамиша обод бўлган, тарихи бутун бўй-басти билан қад ростлаган, келажагига ишонч ошган. Кармана тарихимиз шодасида кичик бир маржон каби баралла нур сочишига ишончимиз комил.

Дилмурод АБДУЛЛАЕВ, Кармана туманидаги «Абдулло» фермер хўжалиги аъзоси.

* * *

Президентимизнинг Фармонлари биз, карманаликларни чексиз қувонтирди. Бир неча минг йиллик кўҳна тарихга эга шаҳримизнинг кўрки бўлмиш Мирсаид Баҳром, Хўжа Шайх, Ҳазрати Қосим Шайх мақбараси мажмуи ҳамда Мирзачорбоғ ёдгорлигини қайта таъмирлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилиши шаҳримиз тарихига бўлган юксак ҳурматнинг ёрқин намунаси, деб биламиз.

Навоий вилояти «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази жамоаси.

Шодиқул ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Акмалжон Қосимов раҳбарлигида Олий Мажлис депутатлари Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Пиримқул Қодиров, Иброҳим Ғофуров, Аббосхон Усмонов ва Турсунбой Файзуллаевлардан иборат депутатлар гуруҳи бир неча кундан буён Фарғона водийсидаги кўплаб қишлоқ, шаҳар ва туман меҳнаткашлари билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқдалар. Олий Мажлис вакиллари куни кеча Наманган вилоятида бўлишди. Вилоятнинг қатор туман, шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, ширкат, деҳқон-фермер, жамоа хўжаликлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари жамоалари билан учрашдилар.

ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Учрашувларда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган дастурий маърузасида қайд этилган устувор йўналишлар, белгиланган вазифалар алоҳида тилга олинди. Вилоят жамоалари вакиллари Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини, тинчлик-осойишталик, ислоҳотлар муваффақиятининг гарови сифатида эътироф этилаётган тараққиётимизнинг беш устувор тамойилини амалда татбиқ этиш, фаровонлик ва бунёдкорлик учун ҳамма аҳиллик билан бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши лозимлиги ҳақида гапирдилар. Айниқса, вилоят нуронийлари билан, шаҳар бозорлари, гузар ва чойхоналардаги аҳоли билан учрашувлар очиқ, ошкора тус олди. Улар Олий Мажлис вакилларига ўзларини қизиқтирган, ўйлантираётган мавзуларда кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Учрашувларнинг расмийликдан йироқлиги, самимийлиги қатнашчиларни руҳлантириб юборди. Уларнинг, айниқса, парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти, ўз вақтида қабул қилингани, тўғрилигини эътироф этиш билан бирга айрим моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир.

Олий Мажлис вакилларининг Фарғона водийси фуқаролари билан очиқ мулоқотлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ШУ СОНГА ХАБАР

Сурхондарёликлар бу йил 21 минг 725 кути пилла қуртини парваришлаб, 900 тонна "кумуш тола" етиштирдилар. Шартнома режаси ортиғи билан бажарилди.

СУРХОНДАРЁ ПИЛЛАСИ

Пиллакорлар ўз соҳаларида селекция ишларини яхшилашга, хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишга эътибор қаратдилар. Бу хомашё сифатига ҳамда ҳосилнинг яхши бўлишига ўз таъсирини кўрсатди.

Дарвоқе, воҳада кейинги йилларда пилла хомашёсини қайта ишлайдиган саноат мажмуи бунёд этилди. Бу пилла бозорида ишларнинг юришиб кетишига туртки бўлаяпти.

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛМОҚДА ДОН

Жарқўрғон туманидаги "Украина" ва Музработ туманидаги "Бешқўтон" жамоа хўжаликлари ғалла тайёрлаш шартнома режасини беш-олти иш кунида бажардилар. Бу, ҳарқалай, воҳада ҳосил ёмон бўлмаганидан нишонадир.


Вилоятда бу йил 110 минг гектар майдондан бошоқли дон ҳосили йиғиштириб олинади. Давлатга 233 минг тонна дон сотиш режалаштирилган.

Ўрим кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Термиз, Ангор, Қизирик, Қумқўрғон туманларида эса такрорий экинлар экиш бошлаб юборилди.

Ўримда комбайнчиларнинг унумли ишлаши учун барча шарт-шароит яратилган.

О. УСАНОВ, "Халқ сўзи"мухбири.





Деҳқон олисларга боқиб, нимани кўради? Бепоён даланию, пешона тери эвазига битаётган ҳосилнинг шабодада эгилиб салом бераётганини кўради. Ушбу суратда тасвирланган Алиқул Холмўминов Ғузор туманидаги Очил Кўчкинов номли жамоа хўжалигидаги энг илғор механизаторлардан бири саналади. Хўжалик деҳқонлари пахтачилик билан бирга озуқабоп экинлар ўстиришга ҳам катта эътибор беришаяпти. Жорий йилда Келдиёр Турсунов бош бўлган бригада жамоаси ўн гектар майдонга маккажўхори экган эди. Ҳозир ниҳоллар баравж ривожланмоқда. Бунда эса Алиқулнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

АКС-САДО

ТАФАККУР ЖАҲОЛАТДАН УСТУН

Сўнгги кунларда Тожикистонда вужудга келган кескин вазият нафақат тожик халқини, балки қўшни республикалар, хусусан, юртимиз аҳлини ҳам безовта қилмоқда. Дилга оғриқ ва ташвиш солмоқда. Нега? Чунки минтақамиздаги барқарорлик кўп жиҳатдан Тожикистондаги осойишталикка боғлиқ. Буни юртдошларимизнинг таҳририятимизга келаётган хат-хабарларидан ҳам билса бўлади.

Халқимиз «Қўшнинг тинч — сен тинч», деб бекорга айтмайди. Бунинг замирида катта маъно бор. Қолаверса, тожик билан ўзбекнинг тили бошқа, дили бир, бир-бирининг дардига ҳам, қувончига ҳам шерик бўлиб келган. Шундай экан, Тожикистондаги воқеалар бизни бефарқ қолдиролмайди, қолдириши ҳам мумкин эмас. Худо кўрсатмасин, агар бу воқеаларнинг олди олинмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу эса бизга катта хавф туғдиради. Ахир ислом ниқоби остида ҳокимиятга интилаётган ватанфурушлар озми? 16 февраль воқеалари буни очиқ-ошкор кўрсатди-ку? Афсуски, айримларимизда ҳали ҳам сиёсий фаоллик етишмаяпти. Ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаётгандек. Тинчлик, осойишталикнинг қадри, мустақилликнинг аҳамияти, барқарорликни таъминлашнинг нечоғлик мушкуллиги ҳақида чуқурроқ ўйлашимиз, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятимизни теран ҳис этмоғимиз керак.

Мен кўп йиллар давомида халқ таълими соҳасида ишладим. Ҳозир нафақада бўлсам-да, маҳалладаги ҳар бир кишининг шодлигига ҳам, қайғусига ҳам шерикман. Шундан биламанки, одамлар Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсатини жон-дил билан қўллаб-қувватлаётирлар. Лекин баъзи кишилар ҳозирги туб бурилишларнинг асл моҳиятини тўла англаб етмаяптилар ва эскича услубларидан воз кеча олмаяптилар. Эндиликда бундай ҳоллар билан келишиб бўлмайди. Айтмоқчиманки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси — хоҳ у раҳбар, хоҳ у оддий касб эгаси бўлсин, — юрт тақдири учун шахсан масъул бўлиши керак.

Тожикистонда юзага келган вазият ҳар биримизни ҳушёрликка чорлаяпти. Соғлом ақл ва тафаккур жаҳолатдан ҳамиша устун келган. Ўзининг буюк келажагини қураётган халқимизга тинчлик ва осойишталик керак. Шундай экан, Тожикистонда фуқаролар тотувлигини сақлашга эришиш — нафақат тожик, балки ўзбек халқи учун ҳам сув билан ҳаводай зарур.

Қурбон ТЎРАҚУЛОВ, Қарши шаҳридаги Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ХУНРЕЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ВОЙ

Тожикистон яна таҳлика, изтироблар қуршовида қолди. Бирлашган тожик мухолифати мамлакатда сиёсий ихтилофларни келтириб чиқармоқда. Уларнинг асл мақсади қандай қилиб бўлмасин, ҳукуматни қўлга олиш ва Тожикистонда диний ақидапарастлик руҳидаги давлатни жорий этишдир.

Кулфат чегара танламайди, дейишади. Қўшни тожик заминидаги беқарор вазият Ўзбекистонга ҳам хавф туғдирмоқда. Чунки ақидапарастларнинг этагидан тутиб юрганлар орасида ўзбекистонлик ватанфуруш ва хиёнаткорлар ҳам борлиги, улар ёвуз ниятлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликлари барчага аён. Шундай экан, сиёсий фаолликни оширишимиз, атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга соғлом назар билан қарашимиз лозим.

Халқнинг кулфатига қўл иситмоқчи бўлаётганлар билиб қўйишсин. хунрезлик ва биродаркушликнинг оқибати вой. Ўрмонга ўт тушса ҳўлу қуруқ баравар ёнади, дейдилар. Биз Тожикистондаги сиёсий можаролар тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдоримиз. Икки қўшни халқ ўртасида асрлар давомида қарор топган дўстлик ва қардошликка ҳеч нарса раҳна сололмайди.

Даврон МУСТАФОҚУЛОВ, «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши котиби.

ШОЛИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР

Фарғона вилояти Бувайда туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигида шолини кўчат усулида экиш технологиясини жорий этишга бағишланган республика ҳудудий кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятидан келган соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, уни қўлланганда уруғлик сарфи камаяди, шоли баравж ўсади, ҳосилдорлик қарийб 30 фоиз ортади. Шу боис шоли етиштириш билан шуғулланувчи кўплаб хорижий давлатларда бу технологиядан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Анжуман қатнашчилари шоли етиштириш илғор технологияларини амалда татбиқ этиш, серҳосил шоли навларини етиштириш, шолини бир текис ундириб олиш ва парваришлаш борасидаги амалий ишлар, жумладан, Жанубий Кореядан келтирилган экиш агрегатининг иш унуми билан танишдилар. Агрегатни бир киши бошқаради. Унинг ёрдамида кунига бир гектар майдонга шоли кўчати экилади.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, вилоят ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

Расулжон КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

Янгиликдан хабарингиз борми?

СОЛИҚЧИЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ

Солиқ хизмати ходимларининг касбий тайёргарлигини янада ошириш, тизимга малакали ва бурчга садоқатли кадрларни танлаб олиш мақсадида ташкил этилган Давлат солиқ қўмитасининг ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади. Шу воқеага бағишланган йиғилиш қатнашчилари Юртбошимиз номига миннатдорчилик мактуби қабул қилдилар.

Ўқув марказининг ташкил этилиши Президентимиз томонидан кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ислоҳ этиш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича республика Олий Мажлиси XIV сессиясида қўйилган вазифаларни бажариш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Республикамиз вилоятларида ўтказилган танловларда ғолиб чиққан 60 нафар бўлажак солиқчи ўқув марказининг дастлабки тингловчиси бўлди.

Улар бу ерда уч ойлик синов муддатини ўтаб, сўнг солиқ тизимида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Тингловчилар ўз билимларини оширишлари ва синов муддатини муваффақиятли ўташлари учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Тингловчилар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиторияларда таниқли олимлар ва амалиётчилардан сабоқ оладилар, амалий машғулотларда қатнашадилар.

Солиқчиларни тайёрлаш бўйича махсус курслар кўпгина ривожланган давлатларда фаолият кўрсатиб келаяпти. Бундай курсларда таҳсил олган иқтисодчи ва ҳуқуқшунос солиқ тизимининг ўзига хос томонларини олдиндан пухта эгаллайдилар, солиқчи зиммасига юклатилган шарафли ва масъулиятли вазифалардан бохабар бўладилар. Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Тошкентда ташкил этилган ўқув маркази ҳам солиқ тизимини ишончли кадрлар билан мустаҳкамлашда ўзига хос мактаб ролини ўтайди.

Ж. НОСИРОВ.



Шимолий Ирландия марказининг кўриниши.

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

1999 йил январь-апрель ойларида МДҲ мамлакатларининг тўрттасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсган, еттитасида эса бунинг акси бўлган, яъни пасайган. МДҲнинг давлатлараро статистика қўмитасининг маълумотига кўра, ишлаб чиқариш ҳажми Белорусда 5,4 фоизга, Ўзбекистонда 5,1, Озорбойжонда 4,1 фоизга ўсган. МДҲ мамлакатлари орасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайиб кетган мамлакат Молдавиядир. Бу ерда ортга кетиш 26,5 фоизга етган. Қозоғистонда бу кўрсаткич 4,6, Грузияда 4,3, Қирғизистонда 4,2, Украинада 2,7, Арманистонда 2,5, Россияда эса 0,5 фоизни ташкил этади.

ГРУЗИЯ НЕГА ОРТГА ҚАЙТМОҚЧИ?

Россия ва Грузия ўртасида Грузия ҳудудидан Россияниг барча турдаги ҳарбий қисмларини босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш ва бу ердаги Россия ҳарбий базасини тугатиш хусусида музокара давом этмоқда. "Озодлик радиоси" мухбири хабарига кўра, Грузия Мудофаа вазирлиги шундай маълумот тарқатган. Россия ҳарбий базалари тўғрисидаги шартнома 1995 йилда Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ва ўша пайтдаги Россия Бош вазири Виктор Черномирдин томонидан 25 йил муддатга имзоланган эди.

ЖАНУБИЙ АФРИКАДА САЙЛОВ

Жанубий Африка мамлакати тарихида иккинчи маротаба кўпирқли сайловлар бўлиб ўтмоқда. Жамоатчилик орасида ўтказилган анкета сўровлари натижасига қараганда, Африканинг бошқарув партияси миллий конгресси 60 фоиз атрофида овоз олиши мумкин. Ушбу сайлов демократик йўл билан биринчи бор мамлакат президенти этиб сайланган Нельсон Манделининг истеъфога чиқиши билан характердидир. У ўз ўрнини ўринбосари Табо Мбекига бўшатиб бермоқда. Би-би-си хабарига кўра, Мбеки Африка Миллий конгрессидан партияда реформа ўтказиш, кўплаб янги ишчи ўринлари яратиш ҳамда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш тўғрисида бундан 5 йил муқаддам берган ваъдасини бажаришни талаб қилмоқчи.

Нима? Қачон? Қаерда?

ОЛАМГА БИР НИГОҲ

Сиёсий шарҳ

СЛОВАКИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Словакияда давом этаётган сайловлар ниҳоясига етди. Коалицион ҳукумат таркибидаги фуқаролар яқдиллиги партияси раҳбари, Кошице шаҳри мэри, ёзувчи Рудольф Шустер мамлакат президенти этиб сайланди.

Словакияда сайлов жараёни қизғин тортишувлар, баҳс ва мунозаралар остида ўтди. Бунга сабаб мамлакат президентлигига 9 нафар киши ўз номзодини қўйганлигидир. Сайловнинг биринчи босқичи шу йилнинг 15 май куни бўлиб ўтди. Унда ҳамма номзод иштирок этди ва Словакия аҳолисининг 73,89 фоизи, яъни 2 948 402 нафар сайловчи қатнашди.

Сайловнинг биринчи босқичида Рудольф Шустер 47,38 фоиз, собиқ ҳукумат бошлиғи демократик Словакия учун ҳаракат етакчиси Владимир Мечяр 37,24 фоиз, қолган номзодлар эса 0,15 дан 6,60 фоизгача овоз олишди. Шундай қилиб, биринчи босқич якунига кўра, тўққиз номзоддан фақат икки номзод — Рудолф Шустер ва Владимир Мечяр навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Икки номзоднинг сайловчилар билан учрашувлари кескин рақобатга айланиб кетди. Учрашувларда ҳар икки номзод ҳам бир-бирларининг нозик томонларини танқид қилишдан ўзларини тийиб туришолмади. Масалан, Р. Шустер В. Мечяр ҳақида гапириб, у раҳбарлик қилган ҳукуматни мамлакатнинг ғарб тузилмалари интеграциялашувига сунъий равишда тўсқинлик қилиш ва нооқилона ҳаракатлар билан миллий иқтисодиётни турғунлаштиришда айблаган бўлса, В. Мечяр эса ҳар бир учрашувдаги нутқида рақиби Р. Шустернинг собиқ коммунист бўлганлигига кўпчиликнинг эътиборини тортишга ҳаракат қилди.

Номзодлар қанчалик ҳис-ҳаяжонга берилишмасин ва бир-бирларининг нозик томонларини усталик билан танқид қилишмасин, уларнинг сайловолди дастурларининг асосини мамлакат аҳолиси турмуши фаровонлигини ошириш, Словакиядаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, умуман, халқ манфаати ва мамлакат қудратини ошириш каби кенг кўламли масалалар ташкил қиларди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар икки номзоднинг дастури ҳам бир-биридан унча фарқ қилмасди.

Тўққиз номзод мамлакат президенти бўлиш мақсадида сайловолди тайёргарлигини бошлаб юборган дастлабки пайтлардаёқ, аҳоли ўртасида анкета сўровлари ўтказилган ва Р. Шустернинг имконияти бошқа номзодларникидан устун эканлиги маълум бўлганди.Биринчи ва иккинчи тур сайловларида у яна бир бор ўз исботини топди. Сўнгги босқичда уни ёқлаб 57,18 фоиз сайловчи овоз берди. Рақиби М. Мечяр эса 42,82 фоиз овоз олди.

Сайловда ғолиб чиққан Рудольф Шустернинг режалари яна бир бор ойдинлашди. У Словакияда сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакатдаги барча партияларни халқ фаровонлиги ва мамлакат қудратини ошириш йўлида ҳамкорлик қилишга эришишни ўзининг асосий вазифаси деб билмоқда. Айниқса, Словакиянинг халқаро миқёсда обрўсини кўтариш мақсадида НАТО ва Европа Иттифоқига тезроқ қўшилиши лозимлигини таъкидламоқда.

Шундай қилиб, Словакия аҳолиси ўзлари маъқул деб билган Рудольф Шустерни мамлакат президенти этиб сайлади. Эндиликда бутун Словакия халқи янги президент раҳбарлигида мамлакатда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлишига умид боғламоқда. Янги президент 15 июнь куни ўз лавозимини расман бажаришга киришади.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КОСОНСОЙ ГАЗЛАМАСИ ХОРИЖГА ЧИҚАДИ

Ҳамкорлик

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ўзбекистонда 8-9 миллион бош қўй мавжуд бўлиб, улардан йилига 20 минг тоннадан ортиқ жун қирқиб олинади. Хўш, ана шу қимматбаҳо хомашёдан фойдаланиш даражаси қандай, уни қайта ишлаб, сифатли газламага айлантира оладиган ишончли корхонамиз борми? Аввал йўқ эди, бугун бор. Туркия билан ҳамкорликда барпо этилган «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб жунли матолар ишлаб чиқармоқда. Энди ювилмаган ҳолда, арзимаган пулга четга сотилаётган жун ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида ички ва ташқи бозорга йўл ола бошлади.

Қўшма корхона муассисларидан бири — Туркиянинг «ТИМИ» фирмасига Косонсойнинг иқлим шароити, юқори даражали инфратузилмаси, марказий автомобиль йўллари билан туташлиги маъқул тушди. Қолаверса, бу ерда ҳунармандчилик, тўқимачилик саноати равнақ топганлиги шерикларнинг кўнглини тўлдирди. Умумий қиймати 76 миллион АҚШ долларига тенг бўлган корхонани тиклаш жадал кечди. Бунга таъсисчилардан ташқари Европа Тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда «Туркэксимбанк» имтиёзли кредит билан ҳисса қўшдилар. Маблағлар марказлаштирилгандан сўнг ишлаб чиқариш бинолари қисқа фурсатда тикланди. Унга қадар Туркия томони технологик ускуналарни келтириб қўйди.

Мана, тўрт ойдирки, янги корхонада қувватларни ўзлаштириш жадал давом этаётир. Цехларда жундан тайёрланган икки хилдаги мато, гиламбоп ва қўлда тўқиш учун мўлжалланган иплар миқдори кун сайин кўпаймоқда. Бу ерда ишлаш истагини билдирган йигит-қизлар махсус курсларда ўқитилиб, ўзлари танлаган касб сир-асрорларини пухта ўзлаштириб олишди. Айни пайтда жамоада 700 нафар йигит-қиз фаолият кўрсатаяпти.

«Косонсой-Текмен»даги технологик жиҳозлар асосан компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Шу боис уларни ўрнатиш ва созлаш ишларига Франция, Германия, Италия, Бельгия, Польша ва Туркия мутахассислари жалб этилди.

— Ҳозирча 54 та дастгоҳ компьютер билан бошқарилмоқда, — дейди туркиялик мутахассис Л. Торнук. — Бельгиянинг «Пиканол» фирмасидан келтирилган бу компьютерларга хоҳлаган тасвирни киритиш ва уни газламага кўчириш мумкин. Цехимизда йилига 44 миллион 200 минг погон метр костюмбоп ва пальтобоп газламалар, 875 минг дона одеял ишлаб чиқарилади. Ҳали бундай дастгоҳ Туркия фирмаларида ҳам йўқ.

Маҳаллий қиз-жувонлар янги дастгоҳлар сир-асрорини пухта ўзлаштириб олдилар. Очиғи, уларнинг синчковлиги, уқуви бизга маъқул тушди. Ҳозир қувватлар тўла ҳаракатга келтирилиб, бир кеча-кундузда 6000 погон метр жун газлама тўқилаяпти.

«Пиканол» тўқув дастгоҳини чаққонлик билан бошқараётган қизнинг ишини кузатамиз. Унинг нигоҳи газламага айланаётган қатор ипларга устида сергак кезади. Вақтини ниҳоятда қизғаниб турганлигини сезсак-да, бир зум суҳбатга тортамиз.

— Исми-шарифим Гавҳар Зоҳидова, — дейди у. — Бу ерга келганимга беш ой бўлди. Аввалига дастгоҳларни бошқаришни ўргандик. Энди мустақил ишлаяпмиз. Ҳозирча 3-4 та машинага қараяпман. Яқин кунлар ичида улар сонини 8 тага етказаман.

«Қосонсой-Текман»да ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш мақсадида хомашё масаласи босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда. Ишни бошлаш арафасида Австралиядан 155 тонна юқори сифатли, ювилган «Меринос» жуни келтирилган бўлса, эндиликда хомашё ўзимизнинг Олтиариқдан ҳам олинаяпти. Қозоғистоннинг Жамбул, Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳарлари корхоналари билан шартномалар тузилди. Технологик жараёнда қўлланиладиган полиэтилен ва полиамид билан Туркия таъминлайди. Яна бир сунъий ашё — полиакрилни эса «Навоиазот» етказиб беради.

Қўшма корхонада йил якунига бориб 2 миллиард сўмлик хомашё, тайёр газлама ҳамда жунли ип калавасининг 80 фоизи экспортга чиқарила бошланади.

Косонсой фахрига айланиб бораётган ушбу корхона ёнида ишчилар шаҳарчаси ҳам қад ростлаяпти. Оилали мутахассислар учун 24 хонадонли 6 та коттеж барпо этилди. 78 ўринли меҳмонхона, супермаркет, бозорча, ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун лицей қурилиши жадал олиб борилаяпти. Келгусида шу ернинг ўзида алоҳида гилам фабрикасини бунёд этиш ҳам кўзда тутилган.

Шундай қилиб, Наманганда яна бир замонавий енгил саноат корхонаси юзага келди. 1200 киши ишлайдиган бу корхона ўзбек-турк дўстона муносабатларининг амалий ифодасидир.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАЗОРАТ

ВИЖДОН ВА МАСЪУЛИЯТ СИНОВИ

ёки пахта, ғалла ва шоли учун ажратиладиган кредитлар нопок қўлларга тушиб қолмаслиги кераклиги хусусида

Республика Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси томонидан мамлакатимизда ташкил этилган Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш мониторинги натижалари таҳлил қилиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига биноан, Молия вазирлиги таркибида янги тузилмавий бўлим вужудга келиб, мазкур бўлим қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари етказиб берадиган пахта ва ғалла учун ўз вақтида бўнак ажратиш ва охир-оқибатда тўла ҳисоб-китоб ўтказишни ўзининг бош вазифаси деб билади. Янги Жамғармада (қайтариш шарти билан) маблағ ажратиш жорий йилда бошланди.

Жамғарма ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро муносабати қатъий ва аниқ ҳисоб-китоб асосига қурилади. Бюджетдан ажратилган маблағдан ўз вақтида, самарали ва мақсадли фойдаланиш (пахта хомашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни молиялашга йўналтирилган) «Пахтабанк» ва (ғалла ва гуруч-шолини шу мақсадларда молиялашга йўналтирилган) «Ғаллабанк» ихтисослаштирилган ҳиссадорлик-тижорат банклари орқали амалга оширилади.

Бу икки йирик қишлоқ хўжалик банклари қишлоқ хўжалик меҳнатчилари томонидан давлат эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни етиштириш пайтида меҳнат ва моддий харажатларнинг ҳажми ва меъёрларига қатъий амал қилинишини ҳам таъминлайди. Бундай тадбир мамлакат иқтисодий тараққиётида улкан соҳа бўлган аграр жабҳада молиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда ишлаб чиқариш ҳаражатлари тизимида фойдаланилмай келинаётган заҳираларни аниқлаш имконини беради.

Жорий йилнинг бошланишидаёқ «Пахтабанк» ва «Ғаллабанк» томонидан қишлоқ хўжалик корхоналари учун катта миқдорда маблағлар ажратилди. Бироқ уларни ўзлаштириш пайтида, бюджет маблағларидан фойдаланиш тартиби бўйича қатъий режим жорий қилинганлигига қарамасдан, жиддий бузилишларга йўл қўйилмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аксарият қисми давлат томонидан яратилган самарали хўжалик юритиш имкониятидан оқилона фойдаланганлар. Бироқ яна шундай хўжалик бошлиқлари ҳам борки, улар молиявий ва ижрочилик интизомини назар-писанд қилмасдан, жиноятқорлик даражасидаги масъулиятсизликларга йўл қўймоқдалар.

Кўп ҳолларда аграр жабҳадаги айрим раҳбарларнинг нопоклиги ва инсофсизлиги ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган харажатларнинг ўсиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, Андижон вилоятининг Бўз туманидаги машина-трактор парки (МТП) давлат ҳиссадорлик жамияти раиси Ш. Акромов ва бош ҳисобчи А. Акромовларнинг ўз ҳамёни билан давлат хазинаси ўртасидаги чегарани унутиб қўйганликлари юқорида баён этилган ҳулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Мазкур шахслар қилган жиноятлари кўзга ташланмаслигига умид боғлаб, қўшиб ёзишнинг тайғончиқ йўлига қадам қўйдилар-да, 10 та хўжаликда 2596 гектар пахта майдонини шудгорлашга сарфланган ёнилғи миқдори учун Давлат стандарт меъёрларида (ДСМ) белгиланган нархларни уялмасдан ошириб ёздилар. Натижада жамғарма ҳисобидан 1 миллион сўмдан ошиқроқ маблағни ноқонуний равишда ўмардилар.

Асака туманидаги учта хўжаликнинг раҳбарлари ҳам давлат ҳисобига яшаб қолишдан ўзларини тия олмадилар. Бироқ улар Бўз тумани МТП даги «тадбиркорлар»дан фарқ қилиб, ўзларининг омонат молиявий аҳволини ... пахтакорларга ажратилган минерал ўғитлар эвазига тўғрилашга жазм қилдилар. Мазкур хўжаликларда 276 минг сўмлик минерал ўғит ўғирланганлиги ва 65,7 минг сўмлик ортиқча эканлиги аниқланди.

Бу сохта тадбиркорлар энди ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар, чунки уларнинг жиноятига доир материаллар ҳуқуқ-тартибот органларига топширилган.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармаси маблағларидан ғайри мақсадларда фойдаланиш мисоллари саноғини яна давом эттириш мумкин. Президент Фармонининг руҳи ва қоидаларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари етказиб берадиган маҳсулотларни ўз вақтида бўнаклаш ва тўла ҳисоб-китоб қилиш, моддий-техник ресурслар, бажарилган иш ва хизматлар учун тўловлар масъулияти ўзаро шартномаларни бажаришда қатнашувчи тижорат банклари ва қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари зиммасига юклатилган. Шу нуқтаи назардан қаралса, Фармонни бажариш учун жавобгар шахсларнинг давлат маблағини осонлик билан талон-торож қилишга йўл қўяётганликлари кишида таажжуб уйғотади.

Масалан, Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалигида жамғармадан олинган маблағ уч нафар кишини ўқитишга (116 минг сўм), солиқ бошқармаси солган жаримани тўлашга (26,4 минг сўм), «ТИКО» автомашинаси учун шина ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга (100 минг сўм) сарфланган.

«Ўз қўлим — ўз хўжайиним» деган носоз нақл Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги «Тоҳир ва Зуҳра» жамоа хўжалигида ҳам айрим шахслар ақл-идрокини хира торттириб қўйган. Улар иш ҳақини тўлаш учун ажратилган жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланишмаган. Бу маблағга «ижодий» ёндашилиб, Наврўз байрами тадбирларига (53,2 минг сўм) ва Халқаро хотин-қизлар байрамини ўтказишга (28,9 минг сўм) сарфланган.

Шаҳрисабз туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида ҳам давлат маблағини белгиланган мақсадларда фойдаланиш устида бош қотириб ўтиришмаган. Бу маблағни уяли телефон абонентлик тўлови (50 минг сўм), шунингдек, Наврўз байрами тадбирлари учун (35 минг сўм) ишлатиб юборишган.

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги икки хўжаликда «кечиктирилмас эҳтиёжлар» учун 708 минг сўм миқдоридаги давлат маблағидан фойдаланилган.

Хоразм вилоятининг икки хўжалигида эса давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармасидан олинган маблағларни «Наврўз» лотереяларига (53,3 минг сўм) сарфлашган.

Аграр жабҳада хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши ошкора кураш эълон қилинган айни кунларда бундай қинғирликларга йўл қўйилиши кечирилмас бир ҳолдир. Давлат маблағидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эмас, балки, аксинча, ўз шахсий бойлигини орттириш учун фойдаланиш йўлига ўтган «ишбилармонлар», шубҳасиз, қонунда белгиланган жазоларини оладилар.

Муҳаммади АҒЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Президентимизнинг 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармони юртдошларимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳаёт йўли текис, равон эмас. Унинг ўз ўнқир-чўнқирлари, дард ва аламлари бор. Кимдир ёшлик қилиб, кимдир эҳтиётсизлик туфайли, яна кимдир ўзгаларнинг ғаразли қутқуси билан жиноят содир этади. Бундай кўргуликни ҳеч кимнинг бошига солмасин. Жиноят қилдингми, муқаррар жавоб беришинг керак. Номаъқул ишга қўл урдингми, унинг жабрини эртами-кечми, албатта, ўз бошингдан кечиришга мажбурсан. Бу оддий ҳақиқатни ножўя қадам босиб, жавобгарликка тортилганлар бошқаларга қараганда яхшироқ билишади.

Президентимиз Фармонида билиб-билмай жиноят содир этган, «қора чизиқ»дан ҳатлаб ўтган шахсларга енгиллик бериш кўзда тутилган. Менга қолса, амнистия ҳақидаги бу Фармонни инсонпарварликнинг ёрқин кўриниши, дея таърифлаган бўлардим. Зотан, тавбасига таянган, қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олган, жамият учун хавф туғдирмайдиган юзлаб одамлар яна оилалари бағрига, эркин меҳнат қучоғига қайтиш имконига эга бўлдилар. Минглаб фарзандларнинг ўксик дилларида мисоли қуёш чарақлаб кетди. Қанчадан-қанча ота-оналарнинг ёш қалққан кўзларида қувонч порлади. Собиқ маҳбусларнинг қариндош-уруғлари енгил тортдилар.

Бу ҳол мамлакатимизда демократик, фуқаролик тамойилларининг изчил шаклланиб бораётганлигидан далолат беради. Президентимизнинг турли диний экстремистик оқимларга қўшилган, ўзгаларнинг нопок ноғорасига ўйнаган кимсаларга қарата айтган «Биз бағри кенг халқмиз. Хато йўлдан қайтсаларинг, гуноҳларингдан ўтамиз» деган гапларини эслайлик. Юртбошимизнинг чинакам инсоний мурувватини туфайли минглаб ўспирин йигитлар бугунги кунда озодлик гаштини суриб юрибдилар. Буни тўғри тушунишимиз лозим.

Халқимиз яхшиликнинг қадрига етади. Шу сабабли Юртбошимизнинг амнистия ҳақидаги Фармони мамнуният билан қарши олинди. Бироқ айримларда «Хўш, собиқ жиноятчилар озодликка чиққач, эски ҳунарларини бошламасмикин? Уларнинг қилмишларидан кишилар яна озор чекмасмикинлар?» каби ҳадиклар ҳам йўқ эмас. Шу муносабат билан бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Фармонда белгилаб қўйилганидек, амнистия ҳаммага бирдай қўлланилмайди. Ватанга хиёнат, ўзгалар жонига қасддан суиқасд қилган, гиёҳвандлик моддаларини сотиш, сақлаш, ташиш ҳамда диний экстремистик фаолият билан шуғулланган, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари, бир неча бор оғир жиноят содир этган кимсалар амнистиядан баҳраманд бўлолмайдилар.

«Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама», деган нақл бор. Жамият учун хавфли кимсаларнинг жойи тиконли сим ортидадир. Қолаверса, амнистия, аввало, хато қилганларни тўғри йўлга қайтариш, қилмишларини мулоҳоза қилиб кўриш учун берилган имкониятдир. Давлатимиз, амалдаги қонунларимиз инсонпарварлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Лекин бу ерда бошқа масала бор. «Ҳар икки-уч йилда амнистия чиқаяпти. Бирига бўлмаса бирига илинаман», дея хомхаёлга борувчилар қаттиқ янглишадилар. Бундай кимсалар Юртбошимиз, халқимиз кўрсатаётган меҳр-оқибатни юрак-юракдан тўғри тушуниб етмокликлари шарт.

Сирдарё вилояти прокуратураси, вилоят суди ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари айни пайтда Фармон ижросини таъминлаш учун қизғин иш олиб боришаяпти. Бугунги кунда ўнлаб маҳбусларга нисбатан амнистия қўлланилди. Чунончи, Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи Евдокия Юхтаревна Фашшаева муқаддам бир неча бор судланган Зоврубек Майрамович Беликов ва Олим Ёқубовлар билан жиноий тил бириктириб, Неъмат Дадахоновга қарашли бўлган 134 минг сўмдан кўпроқ мол-мулкни ўғирлашда айбланиб, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Евдокия Фашшаевага нисбатан амнистия қўлланилиб, у озодликка чиқарилди.

Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Аввал қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳакимжон Жўраев Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманида буғдой топиш ва бошқа масалаларда ёрдам бераман, дея фирибгарлик йўли билан бир неча кишининг пулларини ўзлаштириб юбориб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми «А» бандидаги жиноятларни содир этишда айбланди. Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрель кунги амнистия тўғрисидаги Фармонининг 9-моддаси «А» бандига кўра, Ҳакимжон Жўраевга тайинланган жазони учдан бир қисмга қисқартирди. Шунингдек, 1953 йилда туғилган, Ширин шаҳридаги ёнғинга қарши кураш жамиятида бошлиқ лавозимида ишлаган Ҳайдарқул Холиқовга нисбатан ҳам амнистия қўлланилди. У қизи Г. Холиқовага ишламаган бўлса-да, маош ёзганликда ҳамда жамиятнинг бош ҳисобчиси Хонтўра Андақулов билан жиноий тил бириктириб, жамиятга қарашли жами 154 минг сўмдан кўпроқ моддий бойликларни талон-тарож этишда айбланиб, 8 йил озодликдан маҳрум этилган эди. Амнистия туфайли у эндиликда ана шу муддатнинг ярмини ўтайди, холос. Бундай мисолларни яна ўнлаб келтириш мумкин.

Фармонда аёлларга нисбатан жуда катта имтиёзлар берилган. Эндиликда бу имтиёзлардан юзлаб маҳбуслар умидвор бўлсалар адашмайдилар. Юртбошимиз 1999 йилни Аёллар йили, деб эълон қилди. Шунга кўра, кўплаб собиқ маҳбусалар оила бағрига қайтиш имконига эга бўлдилар. Аёл ҳаёт кўрки, унинг қувончидир. Буни озодликка чиқаётган хотин-қизлар асло унутмасликлари керак.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари олдида кечиктириб бўлмайдиган бир қатор муҳим вазифалар турибди. Озодликка чиққан кишиларни дастлабки пайтларда кийимбош, муайян пул маблағи билан таъминлашга зарурият сезилиши, табиий. Бу, шубҳасиз, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида фаолият кўрсатаётган ижтимоий кўникма марказлари раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Улар мурувват ва инсонпарварлик тамойиллари асосида фаолият юритишлари лозим. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг жиноятчиликни камайтириш ҳақидаги сўнгги қарорида аниқ кўрсатмалар белгилаб берилган. Эҳтиётсизлик оқибатида ёки ёшлик қилиб, билиб-билмай озодликдан маҳрум этилган кишилар ҳам бизнинг фуқароларимиз. Яъни, улар бегона эмас, ўз жигарларимиздир. Шундай экан, озодликка чиққан кишиларни иш билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жойлардаги раҳбарларнинг муҳим бурчи ҳисобланади. Ана шунда собиқ маҳбуслар эркинлик қадрини, уларга кўрсатилган ишонч қадрини янада тўлиқроқ тушуниб етадилар.

Бу дунёда озодликдан, эркин меҳнатдан, фарзандлар дийдоридан, оила қучоғидан, дўст-биродарлар, азиз инсонлар бағридан бўлишдан ёқимлироқ яна нима бор? Инсон хато қилиши, жиноят содир этиши мумкин. Ҳалол меҳнат, шу жамият, шу юрт равнақи йўлида қилинган эзгу ишлар кечаги доғларни ювиб ташлаш учун энг зўр, энг жонбахш малҳам эмасми? Авф этилган фуқаролар бу ҳақда астойдил ўйлаб кўришлари шарт. Зотан, гуноҳдан фориғ бўлиш ва ҳаётда яхши ном қолдириш осон эмас. Бугун ана шундай бебаҳо имконият яратилган экан, бунинг учун, аввало, Юртбошимиздан миннатдор бўлайлик. Қалбимизни қарздорлик бурчи ва инсонийлик масъулияти асло тарк этмасин.

Эшмамат БЕРДИМУРОТОВ,
Сирдарё вилояти прокурори, адлия маслаҳатчиси.



Бугунги кунда Тошкентдаги «Орзу» очиқ турдаги акционерлик жамияти жамоасининг қўлиқўлига тегмайди. Сабаби — ҳар томондан тушаётган буюртмаларнинг саноғи мўл. Лекин аҳил жамоа ҳеч қайси буюртмачини ранжитаётгани йўқ: ўқувчилар сумкасими, футбол тўпими, нимаики бўлса, сифатли ва бежирим шаклда ишлаб чиқармоқда. Яқинда корхона Халқ таълими вазирлигидан 125 минг дона ўқувчилар сумкаси тайёрлаш буюртмасини олди. Буюртма эса маҳсулот сотилиши учун ишончдир.

СУРАТЛАРДА: жамиятнинг илғор ишчиларидан бири Наргиза Ниёзова; модалар уйи ходимлари Р. Журавлёва, С. Саидов, Х. Содиқовалар янги маҳсулотларни кўздан кечиришмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



БУЮРТМА — ИШОНЧ



Божхона

ҲУҚУҚБУЗАРЛАР

Фарғона вилояти божхона бошқармаси шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқишни тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 2160-сонли Фармонини амалда бажариш чораларини кўрмоқдалар. Хусусан, йилнинг биринчи чорагида божхона чегаралари орқали умумий қиймати 10 млн. 199 минг 743 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳуқуқбузарлар томонидан ноқонуний равишда олиб кетилаётган ҳолатлари аниқланди ва барча маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди.

Яқинда бошқарманинг 7-сонли божхона маскани ходимлари ЛАЗ-699 русумли, 10-29 ТНЛ автомашинасини тўхтатишганда, Тожикистон Республикаси фуқаролари О.Бардиева, Б.Қўлдошев, Д.Абдуллаева, қирғизистонлик Қ.Обидова, қўқонлик И.Усмонова, С.Бўрибоевлар умумий қиймати 49 минг 500 сўмлик тиббиёт дори-дармонларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетаётганлари аниқланди. Шунингдек, бир гуруҳ Тожикистон фуқаролари умумий қиймати 744 минг 900 сўмлик енгил автомобиллар эҳтиёт қисмларини айланма йўллар орқали олиб кетаётганларида тўхтатилди.

Ҳозир ҳар икки ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

З. ЙИГИТАЛИЕВ.

КУН ТАРТИБИДА — СПОРТ

Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини муҳокама этишга бағишланган кенгаш бўлди.

Кенгашда республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси раҳбарлари, Президент девонининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилганлар олдида сўзга чиққан Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ва Миллий олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев мамлакатимиз аҳолисининг ўз саломатлигига муносабатини кескин равишда ўзгартириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган бу тарихий қарорни муваффақиятли амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари ходимлари салмоқли ҳисса қўшиши лозимлигини таъкидлашди.

Кенгашда шу кунларда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда спорт ташкилотларида чуқур муҳокама этилаётган ҳукумат қарорини тарғиб қилиш шаклларини такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Учрашув давомида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ва Миллий олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев бу қарорни бажаришга оид кўплаб саволларга жавоб берди.

(ЎзА)

САЛОМАТЛИКДАН ҲАМ КАТТА СОВҒА БОРМИ?

Шифокорлар хулосасига қараганда, Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган 13 яшар Лола бор-йўғи бир ой умр кўриши керак эди. Орадан уч йил ўтди. Бугунги кунда соғлом, хушчақчақ қиз Лола 10-синфни битирди. Мураккаб юрак хасталигига чалинган бу қизни Жанубий Корея пойтахтидаги "Самсунг" тиббиёт маркази шифокорларининг маҳорати ҳаётга қайтарди.

1995 йил қишида бу ерда Ўзбекистондан келган турли ёшдаги яна уч қизнинг юраги операция қилинди. Шифокорларининг юксак малакаси туфайли шуҳрат қозонган жаҳондаги йирик тиббиёт марказларидан бири бўлган "Самсунг"га буларни "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси юборган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1995 йилда Жанубий Кореяга ташрифидан сўнг мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали дўстона муносабатлар ўрнатилгани бу тадбирни амалга ошириш имконини берди.

Бемор қизлар бир ой мобайнида "Самсунг" марказида шифокорларнинг доимий назоратида бўлди. Уларнинг ота-оналари сафар, у ерда туриш, овқатланиш, энг муҳими — мураккаб операциялар учун бир тийин ҳам харажат қилгани йўқ. Қизлар ва уларнинг оналарини Сеулга олиб бориб-олиб келишни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ўз зиммасига олди. Бошқа харажатларни тиббиёт маркази ҳамда Корейс ишбилармонлари уюшмаси кўтарди.

Ҳозир корейс шифокорларининг барча мижозлари соғлом бўлиб, ким мактабда, ким коллежда таҳсил олмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида улар оналари билан Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси меҳмони бўлишди. Элчихонада улар учун уюштирилган қабул маросимида "Соғлом авлод учун" жамғармаси фаоллари ҳам қатнашди.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Енг Ха Сеулда даволаниб қайтган қизларни самимий табриклади.

Корея элчихонаси номидан тўртала қизга байрам совғаси — "Самсунг" фирмаси магнитофонлари тақдим этилди.

Учрашувда қатнашган "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева қизлар ва уларнинг оналарини байрам билан табриклаб, болаларга ғамхўрлик қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Умумхалқ шодиёнаси

«ХУШ КЕЛДИНГ, ҲОЙ ЭЛИМ-ОВ, АЛПОМИШНИНГ ТЎЙИГА...»

«Алпомиш» достони — ўзбек деган миллатнинг мардлиги, шижоати, ғурури ва ориятини мадҳ этувчи, миллий ўзлигимизни кўз-кўз этувчи бебаҳо асар сифатида минг йиллардан буён диллардан-дилларга, тиллардан-тилларга кўчиб, барҳаёт яшаб келмоқда. Унда тараннум этилган Алпомишнинг эл-юртга садоқати ва юксак инсоний туйғулари, Барчинойга хос бўлган ёрга садоқат, ҳаё, ор-номус каби фазилатлар ҳам халқимиз миллий ўзлигининг ажралмас қисмидир. Шу боис достон бугунги кунда ҳам катта аҳамият касб этади. Бу йил «Алпомиш»нинг юбилейини юртимизда кенг миқёсда нишонлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорининг қабул қилиниши эса халқимизнинг айни дилидаги гап бўлди, дейиш мумкин.



Яқинда Паркент туманида ҳам «Алпомиш» достонининг юбилейи кенг нишонланди. Минглаб одамлар эрталабданоқ шаҳар чеккасидаги тепаликларга кела бошлашди. Бу ерда қатор қилиб ўтовлар тикилган, дошқозонларда тўй таомлари қайнар эди. Арғумоқ минган Алпомишнинг навкарлари ва Барчинойнинг дугоналари меҳмонларни очиқ чеҳра билан қаршилашди...

Тадбирни туман ҳокимлиги ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази биргаликда уюштирди. Уни Паркент тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Туроб Холтоев кириш сўзи билан очди. Сўнгра «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раисининг ўринбосари, таниқли шоира Турсуной Содиқова, ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори Тўра Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқишди.

Шундан сўнг тадбирнинг театрлаштирилган томошалари бошланди. Карнай-сурнай садолари остида баланд қирнинг ортидан ўз отлиқ алплари билан Алпомиш чиқиб келади. Дугоналари қуршовида иккинчи тепаликда турган Барчиной қизлардан бирини мактуб билан Алпомишнинг ҳузурига йўллайди. Хатни ўқиган паҳлавон йигит эса афсонавий тулпори — Ғирот билан пойгада қатнашиб, ғолиб бўлади. Барчиной фахр билан рўмолчасини силкитиб, унинг зафарини олқишлайди. Чопар каниз яна мактуб билан йигитлар томон от суради. Шу тариқа Алпомиш қураш, улоқ, арқон тортиш, камондан ўқ отиш каби мусобақаларда ҳам ютиб чиқиб, маҳбубасининг шартларини бажаради. Барчиной унинг истиқболига пешвоз чиқиб, таъзим қилади...

Умуман, кенг-мўл майдонда, минглаб одамлар кўз ўнгида намойиш этилган ушбу жонли, бадиий томошалар барчада яхши таассурот қолдирди. Айниқса, Алпомишнинг шижоатли йигитлари ва Барчинойнинг чавандоз канизлари ўртасида бўлиб ўтган «қизқувди» мусобақаси томошабинлар кўнглида бир дунё завқ-шавқ уйғотди. Ўша куни бир-бирлари билан дил ришталарини боғлашган паркентлик Муҳриддинжон ва Назокатойларнинг ёр-ёр садолари остида даврага ташриф буюришлари эса одамлар кайфиятига ажиб бир шукуҳ бағишлади. Эл оқсоқоллари, насиб этса, бу янги оилада ўғил фарзанд туғилса — исмини Алпомиш, қиз дунёга келса — Барчиной қўямиз, дея эзгу ният қилишди.

Байрамда эл суйган хонанда Абдулҳай Каримов ва маҳаллий санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш қилинди. Тадбирга таклиф этилган таниқли бахшилар — бўкалик Чори бахши Хўжамов ва олмалиқлик Машариф Очилбой ўғли «Алпомиш» достонидан термалар ижро этишди. Кенг майдонда уюштирилган пойга ва кўпкари ўйинлари, айниқса, қизғин кечди. Бу мусобақаларда ғолиб чиққан чавандозлар эса ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган қиммматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

Бир сўз билан айтганда, Паркентда «Алпомиш» достонининг юбилейига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирлари том маънода умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди.

Умида КАРИМОВА,
Фарида МАҲКАМОВА.





БОБУР НАЗАРИ ТУШГАН ҚИШЛОҚДА

"Дилкушод" қишлоғи Хўжаобод туманининг хушманзара қишлоқларидан биридир. Ушбу қишлоққа Мирзо Бобур ташриф буюргани ва бир муддат дам олгани ҳақида маълумотлар бор. Шу нарса қувончлики, айни кунда ҳам қишлоқ ўзининг тоза ҳавоси, зилол суви, беғубор табиати билан кишиларни ром этиб келмоқда. Шундан бўлса керак, вилоят халқ таълими бошқармаси буерда Бобур номли ўқитувчилар оромгоҳини ташкил этган. Оромгоҳда ҳар йили 1500 дан зиёд муаллим ҳордиқ чиқаради.

Ушбу оромгоҳ ташкилотчиларидан бири Зуннунхўжа Каримхўжаевдир. Унинг ташаббуси билан оромгоҳда 6 гектарлик боғ барпо этилган. Боғдаги турли мевалар дам олувчилар дастурхонига тортиқ этилади.

СУРАТЛАРДА: дам олиш масканига ўрнатилган Бобурнинг бюсти ва ёдгорлик; халқ таълими аълочиси, оромгоҳ бошлиғи Зуннунхўжа Каримхўжаев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II русс компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6

АЁЛЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ

Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси бадиий жамоалари пойтахтликлар учун ҳисобот концертларини намойиш этди. Санъат мухлислари тўрт кун давомида хизмат кўрсатган "Баҳор" рақс ансамбли, "Лазги", "Зарафшон" ансамбллари, "Тановар" рақс театри ижросида Аёллар йилига бағишланган дастурларни томоша қилди. Энди бу дастурлардан Фарғона вилояти меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлади.

"Ўзбекрақс" бирлашмаси санъаткорлари бу сафарга атаб "Буюк Турон маликалари" номли махсус дастур тайёрлади. Увайсий, Зебуннисо, Нодирабегим каби шеърият маликалари юртида намойиш этиладиган бу дастур "Тановар" рақс театрининг янги саҳналаштирилган "Увайсий" спектакли билан бошланади.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

1999 йил учун докторантура, аспирантура ва клиник ординатурага қуйидаги ихтисослар бўйича қабул эълон қилади.

Докторантурага:

Асаб касалликлари (2); анестезиология ва реаниматология (1); психиатрия (1)-мақсадли.

Аспирантурага:

Акушерлик ва гинекология (1); ички касалликлар (1); болалар касалликлари (1); асаб касалликлари (2); стоматология (1); гематология ва трансфузиология (1); пульмонология (1).

Мақсадли аспирантурага:

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (1); юқумли касалликлар (1); тери ва таносил касалликлари (1); нур-диагностика (1); курортология ва физиотерапия (1).

Клиник ординатурага:

Акушерлик ва гинекология (2); эндокринология (2); қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (1); ички касалликлар (2); кўз касалликлари (1); болалар касалликлари (2); юқумли касалликлар (1); тери ва таносил касалликлари (2); асаб касалликлари (2); онкология (1); нур-диагностика (1); стоматология (3); травматология ва ортопедия (1); гематология ва трансфузилогия (2); курортология ва физиотерапия (2); анестезиология ва реаниматология (2); пульмонология (1); наркология (1); болалар юқумли касалликлари (1).



Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700007, Тошкент шаҳри, «Паркент» кўчаси, 51, аспирантура ва клиник ординатура бўлими.

Телефонлар: 68-26-38; 68-25-49.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

11@1821

«ТАКЛИФ»

Қадрли газетхонлар!

Маълумки, республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида «Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак», — дея яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

Бозор муносабатлари шитоб билан ривожланаётган шароитда ватандошларимизга ўзлари учун фойдали ва мос бўлган иш жойи, меҳнат шароитлари, шунингдек, касб танлашнинг ғоят долзарб масалалари бўйича ахборотлар бериш мақсадида «Таклиф» газетаси нашр этила бошланди.



«Таклиф»-ни Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Тошкент шаҳар бош бошқармаси билан биргаликда масъулияти чекланган «Маслакдош» жамияти таъсис этди.

«Таклиф» фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларида сизга яхши ёрдамчи, маслаҳатчи ва суҳбатдош бўлади.

Бўш ўринлар ҳақидаги эълонлар ва мутахассисларнинг хизматларини таклиф қилишга газетада катта ўрин берилади. Газета хизмат пиллапояларидан кўтарилиб боришингизга, меҳнат шароитингизга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунларга киритилаётган ҳамма ўзгаришлардан хабардор бўлишингизга ҳаракат қилади. Кишилар қаерда ва қандай қилиб касбни ўзгартириш, янги ихтисосга ёки касбга эга бўлиш мумкинлигини билиб оладилар.

«Таклиф»да таълим мавзуига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимиз ва чет элдаги ўқув юртлари ҳақида батафсил маълумотлар оласиз. Ёшлар шу ўқув юртларига бориб истиқболли касбларни эгаллашлари мумкин.

Корхона ва ташкилотларнинг менежер ва раҳбарлари!

«Таклиф» — сизнинг ҳам газетангиз. Сизга энг қобилиятли, малакали ва зарур мутахассисларни топишда ёрдам беради.

Газета замонавий менежментнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлайди, бу соҳадаги мамлакатимиз ва чет эл тажрибаси билан таништиради.

Газетанинг дастлабки сонлари 15 кунда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқмоқда. Яқин вақтларда эса ҳафтаномага айланади.

«Таклиф» барча газетхонларга мўлжалланган. У ишга, ўқишга ва маданий ҳордиқ чиқаришга таклиф этади.

МУҲАНДИСЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!

KASANSAY TEKMEN



Жунни қайта ишлайдиган "Косонсой-Текмен" ўзбек-турк қўшма корхонаси юқори малакали қуйидаги мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилади:

- Кимё муҳандиси
- Саноат муҳандиси
- Механика муҳандиси
- Электроника муҳандиси
- Электрчи-муҳандис
- Тўқимачилик муҳандиси

Турк ва инглиз тилини билганлар эътиборга олинади.

Ишга киришни хоҳловчилар 1999 йил 20 июнгача 3х4 ҳажмдаги сурат, таржимаи ҳол ва диплом нусхаси билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

Фабрика: Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Тел.: (36965) 23355, 24256.

Тошкент офиси: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Тел.: (371) 1333905, 1332975.

1765



МУРУВВАТ КУНДА КЕРАК

Президентимизнинг "Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак" деган сўзлари бугунги куннинг шиори бўлиб қолди. Буни куни кеча Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимизда ўтказилган хайрли тадбирлар ҳам яна бир бор исботлади. Шу куни пойтахтимиздаги А. Хлебушкина номидаги "Меҳрибонлик" уйи болажонлари қувончининг ҳам чеки бўлмади.

Айниқса, "Coca-Cola" ва "ROZ TRADING" компания вакилларининг ташрифи ва совғалари болажонларнинг севинчига-севинч қўшди. Республикамиздаги таниқли "Ялла" ансамбли санъаткорлари эса болалар қувончини қўшиққа солиб куйладилар.

Санобар ЖЎРАЕВА.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Боксчиларимиз курашга тайёр

Тошкентдаги "Жар" спорт мажмуида Ўзбекистоннинг кучли боксчилари ўртасида ўтказилган мусобақа ниҳоясига етди. Унда 120 нафар чарм қўлқоп устаси қатнашди.

— Мусобақанинг бошланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқишига тўғри келди, — дейди республика бокс федерациясининг вице-президенти Владимир Шин: — Шунинг учун ҳам боксчилар мусобақани илҳом билан ўтказди.

Барча спортчилар қатори биз, боксчилар ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати миллатни соғломлаштиришга қай даражада катта аҳамият бераётганини яна бир бор чуқур идрок этдик. Бу қарорда республика боксни ривожлантириш марказини ташкил этиш алоҳида қайд этилганидан янада бахтиёрмиз.

Биз мазкур марказ орқали ўзимизнинг профессионал маҳоратимизни самарали тарзда ошириб, яхши ва ишончли резерв тайёрлашга умид боғлаймиз. Ҳукумат ғамхўрлигига жавобан шу йил август ойида АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказиладиган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ўзимизни кўрсатиш учун барча ишни қиламиз.

Дилшод Маҳмудов, Беҳзод Хидиров, Тўлқин Турсунов, Маҳамадқодир Абдуллаев, Шерзод Низомов ва бошқалар турнир ғолиблари бўлди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1999 йилни

Аёллар йили

деб эълон қилгани муносабати билан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

экологияга оид ва экология муаммоларини ечишда аёллар роли тўғрисида энг яхши мақолалар танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ғолибларга учта мукофот белгиланган:
- Биринчиси - 20 минг сўм
- Иккинчиси - 10 минг сўм.
- Учинчиси - 5 минг сўм.



Танлов 1999 йил декабрь ойида якунланади.

Чоп этилган мақолаларингизни қуйидаги манзилимизга жўнатишингизни кутамиз: 700128, Тошкент ш., А. Қодирий кўчаси, 7.

®/1817